

Рамазон ҳикматлари 26-қисм

03:12 / 14.06.2017 2654

Тадқиқот натижаларига кўра, рўза юрак ва артериосклероз касалликлари учун муолажа ҳамдир. Мунтазам тартибда рўза тутиб юрган кишининг юраги фаол, иши тартибли бўлиб, узоқ умр кўришига сабаб бўлади. Агар рўза давомида Қуръон эшитишга машғул бўлинса, рўза тутиш юқорида зикр қилганимиз артериосклероз касалликлари учун ҳам яхши муолажадир. Мана шу ҳолда бардавом бўлинса, Аллоҳнинг изни билан кўплаб касалликларга шифо бўлади. Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 183-оятида:

"Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби, сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди", деб айтган.